

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖЖОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
2. Умаров Бекзод Азаматович ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	19
3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.....	26
4. Avezov Umidjon Toshpulatovich JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI.....	34
5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o'g'li O'ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O'TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL).....	43
6. Муракаева Зухра Ильгизаровна СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА.....	50
7. Джалилов Фуркат Закирович ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	58
8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	66
9. Jumanazarova Marjona Botir qizi OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI.....	77
10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	87
11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ.....	100
12. Полвонов Нажмиддин Аслидинович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ.....	108




12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО. ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи,
Тошкент давлат юридик университети докторанти
E-mail: Mary.Lennox.92@mail.ru

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

For citation: Abdullayeva Maftuna Murot kizi. CONSTITUTIONAL COURT IN THE SYSTEM OF PUBLIC AUTHORITY: THEORY AND PRACTICE. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 26-33

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243273>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Конституциявий суднинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллашнинг бирлигини таъминлаш орқали конституциявий назоратни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органи сифатидаги махсус белгилари кўрсатиб берилган. Ушбу суднинг давлат қурилиши тизимида ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига асосланган конституциявий назорат функцияларини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органи сифатидаги роли ва ўрни бир қатор омиллар билан белгиланади. Шунингдек, Конституциявий суднинг давлат механизмидаги махсус давлат ҳокимияти органи сифатидаги ҳамда конституциявий назоратни амалга оширувчи тўлақонли суд органи – олий суд органи сифатидаги мақоми ёритилган. Ушбу суд алоҳида ҳуқуқий мақомга эгаллиги, суд ҳокимияти органи сифатидаги ўрни ва роли унинг суд тизимидаги ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. У ўз ваколатлари ва ваколат доираси, кўриб чиқиладиган ишларнинг моҳияти, қабул қилинган қарорларнинг турлари ва уларнинг юридик кучи, суд тизимидаги ўрни ва одил судловнинг алоҳида турини амалга ошириш билан бошқа суд органларидан жиддий фарқ қилади. Муаллиф томонидан бу борада етакчи олиларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳокимиятлар бўлиниши, суд тизими, конституциявий суд, давлат органи, конституциявий суднинг функциялари

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи,
Докторант Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: Mary.Lennox.92@mail.ru

**КОНСТИТУЦИОННЫЙ СУД В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ:
ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА**

АННОТАЦИЯ

В данной статье определяются специфические признаки Конституционного Суда, характеризующие его как единственный орган государственной власти, осуществляющий судебный конституционный контроль, обеспечивающий единство правового пространства и правоприменительной практики. Роль и место данного Суда как органа государственной власти, осуществляющего функции судебного конституционного контроля в системе государственного строительства, основанного на принципе разделения властей, определяется рядом факторов. Также, раскрывается статус Конституционного Суда только как специфического органа власти в государственном механизме, но и полноценного судебного органа - высшего судебного органа по осуществлению конституционного контроля. Место и роль данного Суда как органа судебной власти, обладающего особым правовым статусом, характеризуется его исключительностью в судебной системе. Он существенно отличается от других судебных органов по своей компетенции и кругу полномочий, характеру рассматриваемых дел, видам принимаемых решений и их юридической силой, месту в системе судебной власти и осуществлением особого вида правосудия. Автором проведен анализ мнений ведущих ученых в данной области.

Ключевые слова: разделение властей, судебная система, конституционный суд, государственный орган, функции конституционного суда

Abdullayeva Maftuna Murot kizi,
The doctoral student of
Tashkent State University of law
E-mail: Mary.Lennox.92@mail.ru

CONSTITUTIONAL COURT IN THE SYSTEM OF PUBLIC AUTHORITY: THEORY AND PRACTICE

ANNOTATION

This article defines the specific features of the Constitutional Court, characterizing it as the only body of state power exercising judicial constitutional control, ensuring the unity of the legal space and law enforcement practice. The role and place of this Court as a state authority exercising the functions of judicial constitutional control in the system of state building, based on the principle of separation of powers, is determined by a number of factors. Therefore, the status of the Constitutional Court is revealed only as a specific authority in the state mechanism, but also as a full-fledged judicial body – the highest judicial body for the implementation of constitutional control. The place and role of this Court as a body of judicial power with a special legal status is characterized by its exclusivity in the judicial system. It differs significantly from other judicial bodies in its competence and terms of reference, the nature of the cases under consideration, the types of decisions made and their legal force, their place in the judicial system and the implementation of a special type of justice. The author analyzed the opinions of leading scientists in this field.

Keywords: separation of powers, judicial system, constitutional court, state body, functions of the constitutional court.

Конституциявий судлов – конституциявий назоратни судлов тартибида амалга оширишнинг шакли ҳисобланиб, Конституциясининг устунлигини, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига доир конституциявий принципнинг ва Конституция ва бошқа нормаларининг рўёбга чиқарилишини таъминлашга даъват этилган ҳамда белгиланган тартиб-таомил асосида конституциявий назоратни амалга оширишга қаратилган судлов жараёнининг умумий ифодаси. Конституциявий судлов конституциявий нормалар усутуворлигини ва конституциявий қонунийлик таъминланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир давлатнинг конституциявий тузумининг ишончли муҳофазаланиши кўп жиҳатдан конституциявий судлов тизимининг самарали фаолият юритишига боғлиқдир. Конституциявий судловнинг қуйидаги

асосий хусусиятларини қайд этиш мумкин: биринчидан, конституциявий судлов орқали жамиятда шаклланган қадриятлар тизими ҳам муҳофаза этилади; иккинчидан, конституциявий нормаларни амалга оширилиши устидан назоратни таъминлайди, конституцияга мос келмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни аниқлаган тақдирда ўз қарори билан уларни ҳаракатдан тўхтатади ёки тегишли идорага бундан ҳужжатларни конституцияга мувофиқлаштириш тўғрисида тавсия беради; учинчидан, конституциявий судлов бу ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, доимий фаолият юритувчи махсус (ёки махсус бўлмаган) давлат органи томонидан амалга ошириладиган назоратдир; тўртинчидан, бу давлат назоратининг профессионал шакли бўлиб, назоратнинг махсус олий шаклидир. бешинчидан, конституциявий судлов органлари томонидан (ёки мазкур органларнинг ҳулосаси асосида) конституциявий тузумни бузган давлат органларига конституциявий жавобгарлик чораларини кўлланиши мумкин.

Конституциявий суд давлат ҳокимиятининг ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланишини кафолатловчи ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. “Ўзаро тийиб туриш давлат ҳокимияти органини бошқа ҳокимият органига нисбатан муайян қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга оширишдан тийган ҳолда доимий равишда амал қилса, манфаатлар мувозанати муайян қарор ёки ҳаракатга жавобан давлат ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади. Бошқача айтганда, ушбу сўзларнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак “тийиб туриш” – бу муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмасликдан сақланишни билдирса, “манфаатлар мувозанати” деганда қаршилик кўрсатиш, қаршилик қилиш ёки бошқача айтганда қонун билан белгиланган ҳолатларда ҳокимият органи амалга оширишга ҳақли бўлган ваколат (ҳаракат, қарорга нисбатан жавоб ҳаракати) тушунилади [1, Б.15]”. Конституциявий суд ҳам давлат ҳокимияти тизимида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни Конституцияга мос келмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришдан тийиб туради ҳамда барча ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини белгилаш орқали манфаатлар мувозанатини таъминлайди. Конституциявий судлов органлари ҳар бир мамлакатнинг давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу унинг ваколатлари билан боғлиқ. Шу боис олимлар ўртасида бугунги кунга қадар, Конституциявий суднинг қайси ҳокимияти тармоғига тегишлилиги юзасидан илмий ёндашувларда яқдиллик йўқлиги намоён бўлади. Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти тизимидаги роли хусусида бир нечта ёндашувлар шаклланган бўлиб, ҳуқуқшунос олим О.В.Брежнев уларни қуйидагича таснифалайди:

Суд конституциявий назорати давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи, суд ҳокимияти билан бир қаторда мустақил давлат ҳокимиятини ўзида намоён этади;

Суд конституциявий назорати давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи механизми компоненти – назорат тармоғини ўзида намоён этади;

Суд конституциявий назорати ташкилий жиҳатдан суд ҳокимияти тармоғига киради, бироқ унда алоҳида, автоном мақомни эгаллайди [2, Б.273].

Баъзи олимлар, жумладан, В.С.Витвицкий, Е.О.Осадчук, ВВ.Тароева, Ю.Л.Шульшенколар конституциявий назоратни ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи сифатида ажратиб кўрсатишади. “Баъзи мамлакатларда Конституциявий суднинг ўрнини аниқлаштириш масаласи ҳатто суд мажлисида кўриб чиқиладиган мавзуга айланган. Мисол учун, 1995 йил баҳорида Чехияда Конституциявий суд ушбу масалани кўриб чиқиб, Конституциявий суд суд тизимининг органи эмаслигини ва ундан юқори туришини аниқлади [3 Б.238]. Айрим давлатларда Конституциявий суд, Италия, Руминия, Болгария, Монголия каби давлатларда суд ҳокимиятига алоқаси йўқ алоҳида назорат органи ҳисобланади.

Айрим олимлар Конституциявий судни суд ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида кўришади. Хусусан Т.А.Николаева конституциявий назорат органи қуйидаги ҳолларда суд тизимининг таркиби ҳисобланади:

1) мамлакат конституцияси умумий судлар тизимидаги олий судга мазкур функцияни юклайди; (масалан, Кипрда – Олий суд)

2) конституцияда мазкур орган суд тизими таркибига кирувчи судлар сифатида кўрсатиб ўтилади; (масалан, Озарбайжон, Беларусь, Германия Федератив Республикаси, Грузия, Польша, Россия Федерацияси, Словакия, Чехия) [4, Б.196]

Германия, Туркия, Россия, Грузия, Арманистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда Конституциявий суд суд ҳокимиятининг таркибига киради.

Н.В.Витрук: Конституциявий суд одил судловни амалга оширади, суд ҳокимияти органи ҳисобланади, давлат ҳокимиятининг суд тизимида алоҳида рол эгаллайди, бу бошқа турдаги судларнинг унга иерархик бўйсунуши билан эмас, балки қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган фаолиятга хос бўлган ваколати билан белгиланади. Мазкур фикрдан келиб чиқиб қайд этиш жоизки, Конституциявий суд давлат ҳокимияти тизимида ваколатлари ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчига таъсир кўрсатиши жиҳатидан бошқа судлар тизимидан фарқ қилади. Бу ерда олим қонун ижодкорлиги фаолиятига таъсир сифатида конституцияга зид нормаларни бекор қилиш ваколати юзасидан ёндашган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туман, шаҳар маъмурий судларидан иборатлиги белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Конституциявий суд суд ҳокимияти органи таркибига кирсада, ваколатлари жиҳатидан икки хил табиатлидир. Хусусан, бу борада Ж.И.Овсепян Конституциявий суднинг суд органи сифатидаги хусусиятларини қайд этиб, алоҳида хусусиятларини қуйдагича қайд этади: “Суд конституциявий назорати ҳокимиятнинг конституциявий тузилишида маҳаллийлаштириш усулларида қатъи назар, суд ҳокимияти механизмининг таркибий қисми эканлигига шубҳа йўқ. Аммо уни анъанавий суд функциялари билан тўлиқ боғлаб бўлмайди, чунки у бир вақтнинг ўзида юрисдикция шаклида амалга ошириладиган сиёсий фаолиятдир [6, Б.32]”. В.В.Дмитриев “давлат ҳокимияти органлари тизимида Россия Федерациясининг Конституциявий (устав) судининг роли унинг икки хил юридик табиатидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин: бир томондан у давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, бу ҳокимиятнинг триадаси тўғрисидаги анъанавий тушуналарга тўғри келмайди, иккинчи томондан, Конституциявий суд учун суд фаолияти хусусиятлари устунлик қилади [7, Б.31]. Мазкур фикрларга ҳамоҳанг равишда С.А.Сайбуллаева Россия Федерациясининг Конституциявий суди мисолида қуйидагиларни таъкидлайди: “Шубҳасиз, Россия Федерацияси Конституциявий суди ваколатининг мутлақлиги туфайли конституциявий назоратни амалга ошириш бўйича энг юқори суд ҳисобланади, шу билан бирга, ушбу суд органи махсус давлат институти сифатида суд ҳокимиятининг устунлиги ва Россия Федерацияси Конституциясининг тўғридан-тўғри амал қилишини, Президент, федерация қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар даражасида ҳокимиятнинг "ичида" юзага келадиган низоларни ҳал қилиш орқали давлат ҳокимиятининг олий конституциявий органи сифатида мувозанатини таъминлайди [8, Б.27]. Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини таҳлил қилишда унинг функционал ҳамда институционал ваколатларидан келиб чиқиш керак. Бу борада Россия Федерацияси Конституциявий судининг собиқ судьяси, давлат арбоби Б.С.Эбзеевнинг фикрларига қўшилиш мумкин: “Конституциявий суд қайсидир маънода федерал ҳокимият органларидан юқори бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, Конституциявий суднинг конституциявий хусусиятларини институционал ва функционал нуктаи назардан ажратиш кўрсатиш таклиф этилади. Биринчи ҳолатда, у давлат ҳокимиятининг федерал органларидан бири сифатида

намоён бўлади, олий федерал ҳокимият органлари билан бир қаторда давлат ҳокимиятини мустақил равишда амалга оширади, иккинчи ҳолатда – суд органи сифатида ўз фаолиятини конституциявий суд иш юритуви орқали амалга оширади [9, Б.170].

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суд давлат ҳокимияти тузилмасида суд ҳокимиятининг таркибий қисмига киради ва унда алоҳида, автоном мавқега эга. У Конституциянинг устуворлигини ва конституция ва қонунларни талқинини таъминлаш бўйича алоҳида вазифа юкланган олий органдир. Шу маънода ушбу суд суд ҳокимияти иерархиясида ҳар доим нисбатан устунликка эга. Шунингдек, Конституциявий суд давлат органи белгиларига эга бўлиб, Конституциявий суднинг суд давлат органи сифатидаги хусусиятлари: биринчидан, Конституциявий суд конституциявий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилади, конституция ва қонун нормалари зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолларда шарҳлаш орқали низоларни ҳал қилади; иккинчидан, Конституциявий суд конституциянинг устунлигини ҳамда уни тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлайди, учинчидан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, иш юритишнинг ўзига хос тартиб-таомилга эгаллиги ва ҳ.к.

Шу билан биргаликда, Конституциявий суд давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, сиёсий фаолиятга ҳам таъсир кўрсатади. Конституциявий суднинг ваколатларини алоҳида қонун билан белгиланиши, шаклланишида ўзига хос тартиб-таомилга эгаллиги, “negative legislator” салбий қонун чиқарувчи сифатида ҳуқуқ ижодкорлигини амалга ошириши (яъни айрим манбаларда Конституциявий суд томонидан ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиши ҳуқуқ ижодкорлидир деб таъкидланади [10]), Конституциявий суд қарорларининг умуммажбурийлиги, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш, Конституциявий суднинг ички фаолиятини ташкил этишда мустақиллиги, бошқа судлардан фарқли равишда парламент ва президентга конституциявий қонунийлик тўғрисида ахборот тақдим этиши ва ҳ.к.

Б.Мирбабаев Конституциявий суднинг суд органи сифатидаги хусусиятларини таъкидлаган ҳолда, давлат органи сифатида ўзига хос хусусиятларини куйидагича тавсифлайди: [11, Б.177]

Биринчидан, Конституциявий суд ваколатлари конституцияда мустаҳкамланган, бу Конституциявий суд орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда Конституцияда янада муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Суд ҳокимиятининг бошқа органларининг ваколатлари Конституцияда эмас, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини акс эттирувчи тегишли қонунларда мустаҳкамланган.

Иккинчидан, Конституциявий суд конституциявий назоратни амалга ошириш орқали, муайян босқичда давлатнинг қонунчилик функциясини ҳам амалга оширади. Бу қонунлар ва Олий Мажлис палаталарининг қарорларини конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, конституция ва қонунларни шарҳлаш, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш каби ваколатларни амалга оширишда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 45-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда ўзининг амал қилишини тугатади.

Учинчидан, Конституциявий суд нафақат алоҳида аҳамиятга эга ҳуқуқий характердаги низоларни кўриб чиқади, балки сиёсий аҳамиятга эга низоларни ҳал этишда таъсир ҳам кўрсатади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатни тарқатиб юборишда розилик бериш ваколатида намоён бўлади. Мазкур ваколат Конституциянинг 95-моддасида назарда тутилган бўлиб, Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар

юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Конституциявий суд ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари жиҳатидан мураккаб ва кўп қиррали хусусиятларга эга. У қатъий конституциявий назорат фаолиятини амага ошириш учун давлат аппаратининг таркибий жиҳатдан мустақил, алоҳида бўғини бўлиб, ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида давлат мажбурловига таянади. Маълумки муайян босқичда турли ҳил давлат органлари конституциявий назорат фаолиятини амалга оширадilar. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шулар жумласидандир. Мазкур органлардан фарқли равишда Конституцияви суд томонидан амалга ошириладиган назоратда Конституцияга номувофиклик тўғрисида якуний қарор қабул қилиш ва буни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиш ваколатига эга. Конституциявий суд жамиятда шаклланган қадриятлар тизимини муҳофаза этишга хизмат қилади, конституция нормаларни амалга оширилиши устидан назоратни таъминлайди, конституцияга мос келмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни аниқлаган тақдирда ўз қарори билан уларни ҳаракатдан тўхтатади ёки тегишли идорага бундан ҳужжатларни конституцияга мувофиқлаштириш тўғрисида тавсия беради.

Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти тизимидаги роли унинг, қабул қиладиган ҳужжатларининг юридик кучи жиҳати билан ҳам белгиланади. Конституциявий суднинг ҳужжатлари барча давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳамда қатъий бўлиб, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас. Конституциявий суд қарорларининг қатъийлиги улар бевосита амал қилишида ҳамда бошқа органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан тасдиқланишни талаб қилмасликда намоён бўлади. Бирорта орган ёки мансабдор шахс Конституциявий суд ҳужжатларини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Конституциявий суд ҳужжатларининг кучга киришининг айнан шу тартиби суд томонидан Конституциявий суд ишларини юритиш орқали суд ҳокимиятининг эркин ва мустақил амалга оширилишини таъминлайди.

Конституциявий суд ҳужжатларининг мустанолик сифати преюдиция билан боғлиқ. Мустаснолик суднинг тарафлар ёки бошқа шахслар, шунингдек, ҳуқуқий ворислар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича қайта мурожаат этиш имконияти мавжуд эмаслиги назарда тутилади. Бошқа сўз билан айтганда бир масала юзасидан суднинг қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлганда қайта кўриб чиқишни истисно этиш билан изоҳланади [12, Б.694].

Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти тимидаги роли унинг функцияларида намоён бўлади.

Адабиётларда Конституциявий судларнинг функциялари бир неча мезонларга кўра тавсифланиб, сиёсий, муҳофаза қилувчи, йўналтирувчи, интегратив, норматив-тартига солувчи, динамик ҳамда ҳуқуқ ва расмий доктриналарда ҳуқуқдаги бўшлиқларни бартараф этиш функциялари қайд этилади [13, Б.22]. Француз академиги, конституцияшунос Луи Фаворе конституциявий судларнинг тўртта асосий функциясини кўрсатиб ўтади: биринчидан, конституциявий судлар ўта қудратли парламентдаги кўпчиликка қарши “мувозанатни таъминловчи”, (масалан Франция, Испанияда) ёки парламентда кўпчилик мавжуд бўлмаган давлатларда қонун чиқарувчининг “ўрнини босувчи” сифатида ҳаракат қилади (Италия). Иккинчидан, конституциявий судлов сиёсатни “тинчлантириш”га интилади, илгари партиявийлик нуқтаи назаридан мурасасиз кураш олиб борилган “низолар” “тинчлантирилади”; ва конституциявий қонунийликка асосланиб янада оқилона ҳал этилади. Учинчидан, конституциявий судлар парламент томонидан қабул қилинадиган қарорларга ҳеч

качон “вето”, “тўсиқ”, “цензура” қўлламайди, аксинча, улар қонун чиқарувчи фаолиятини тўғри йўналтирадилар ва мувофиқлаштирадилар, тўртинчидан, конституциявий судлов бўлмаган тақдирда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинмайди [14, Б.69]. Ўзбекистонда Конституциявий суднинг ваколатларидан келиб чиқиб, муҳофаза қилувчи, сиёсий, интегратив, тартибга солувчи, қонунчилик жараёнидаги иштироки каби функцияларни қайд этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциявий суд конституциянинг устунлигини ҳамда уни тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлайди, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, иш юритишнинг ўзига хос тартиб-таомилга эга органдир. Конституциявий суд нафақат суд ҳокимиятининг махсус органи, балки давлат ҳокимиятининг олий конституциявий органи ва олий назорат органи мақомига эга - бу унинг мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқий моҳиятини ифодалайди. Конституциявий суд барча учун умумбажбурий бўлган қарорлар қабул қилади. Айнан Конституциявий суднинг ҳужжатлари унинг ҳуқуқий позицияни ифодалайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Р.Р.Хакимов. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. Монография. / масъул муҳаррир ю.ф.д. Ў.Мухамедов - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. - Т.: Adabiyot uchqunlari, 2016.216 б. (R.R.Hakimov. Improving the legal mechanisms to ensure a balance between the branches of government] Author's abstract of the dissertation of Doctor of Law (DSs). Т.2018. – Р. 15)
2. О.В.Брежнев. Федеральный судебный конституционный контроль в России. М. Московский университет. 2006. С. 273. (O.V.Brejnev. Federal judicial constitutional control in Russia]. Moscow: Moscow University Press, 2006. P. 273)
3. Арутюнян Г.Г. А 868 Конституционный суд в системе государственной власти /сравнительный анализ. Ереван. Назар", 1999, 238 с. (Н.Н.Hargutyuan. Constitutional Court in the system of state power / comparative analysis]. Yerevan, " "Nzhar", 1999, 238 p. Electronic version.)
4. Т.А.Николаева. Обращения граждан в органы конституционной юстиции Российской Федерации и зарубежных стран: сравнительно-правовой анализ: автореферат диссертации по 12.00.02, кандидат юридических наук М. 2008. С. 196. (Т.А.Nikolayeva. Appeals of citizens to the bodies of constitutional justice of the Russian Federation and foreign countries: a comparative legal analysis] Diss. according to special 12.00.02. М. 2008. P.196)
5. Витрук Н. В. Конституционное правосудие. М. Право и закон. 1998. С. 85. (N.V.Vitruk. Constitutional justice. М.: Law and rights; Ed. united "UNITI", 1998. P. 85.)
6. Овсепян Ж.И. Судебный конституционный контроль в Российской Федерации: проблемы деполитизации (сравнительный анализ) // Государство и право. 1996. - № 1. - С. 32-42. (J.I.Ovsepyan. Judicial legal control in the Russian Federation: problems of depoligizacin (comparative analysis)) [Text]: State and law. - М.; "Science" International Academic Publishing Company / No. Gerperiodikha 1996. No. I. P. 32-42.)
7. В.В. Дмитриев. Конституционная юстиция в субъектах Российской Федерации. Дисс.канд.юррид.наук. по спец. 12.00.02. М.2006. с.31. (V.V. Dmitriev. Constitutional justice in the subjects of the Russian Federation]. Ph.D. diss. of legal sciences according to special 12.00.02. М.2006. p.31.)
8. С.А.Сайбулаева. Конституционная юстиция в системе органов государственной власти Российской федерации. автореферат диссертации по 12.00.02, кандидат юридических наук. 2012. С. 27. (S.A.Saybullayeva. Constitutional justice in the system of public authorities of the Russian Federation. Ph.D. diss. of legal sciences according to special 12.00.02. М. 2012. P.27)

9. Гадельшина Л. И., Гарифуллина А. Р. Правовые основы взаимодействия Конституционного Суда Российской Федерации с органами государственной власти Российской Федерации. *Российский судья*. 2017. No. 5. (Gadelshina L. I., Garifullina A. R. Legal bases of interaction of the Constitutional Court of the Russian Federation with state authorities of the Russian Federation // *Russian judge*. 2017. No. 5)
10. Витрук Н. В. Конституционное правосудие. М. Право и закон. UNITI, 2008. (N.V.Vitruk. Constitutional justice. Judicial constitutional law and process. Textbook for universities. Moscow: Law and rights, UNITI, 2008).
11. Б.Мирбабаев. Конституционно-судебная защита прав человека в Узбекистана / Материалы международной конференции «Национальная система обеспечения надежной защиты прав и свобод человека в Узбекистане: достижения за годы независимости» 20-21 октября 2016 г. Ташкент и г. Самарканд / Под ред. А.Х. Саидов – Т., 2017. с. 177. (B.Mirbabayev. Constitutional and judicial protection of human rights in Uzbekistan / Proceedings of the international conference "National system for ensuring reliable protection of human rights and freedoms in Uzbekistan: achievements over the years of independence" October 20-21, 2016. Tashkent city and Samarkand city / Ed. A.Kh. Saidov - T., 2017. p. 177).
12. Jeze G L'acte jurisdictionell et la classification des recours contentieux // *Revue de droit public*. 1909. P.694.
13. Бондарь Н.С. Судебный конституционализм в России в свете конституционного правосудия. М.: Норма. 2011, с. 225 [N.S.Bondar. Judicial constitutionalism in Russia in the light of constitutional justice]. М.: Норма. 2011, p. 225; Анненкова В.Г. Конституционные основы единства правового пространства Российской Федерации // *Государственная власть и местное самоуправление*. 2004. № 6. p. 4 (Constitutional foundations of the unity of the legal space of the Russian Federation // *State power and local self-government*] 2004. № 6. p. 4); Гошуляк В.В., Ховрина Л.Е., Геворкян Т.И. Конституционное правосудие в субъектах Российской Федерации. М., 2006. с. 191 (Goshulyak V.V., Khovrina L.E., Gevorkyan T.I. Constitutional justice in the subjects of the Russian Federation] М., 2006. p. 191); Анишина В.И., Шумаков А.С. Запрос суда в системе мер защиты конституционных прав граждан // *Конституционное и муниципальное право*.-2008.-№ 8.-С. 22. (Request of the court in the system of measures to protect the constitutional rights of citizens // *Constitutional and municipal law*. 2008. No. 8. p. 22)
14. A.Stone Sweet. The politics of constitutional review in France and Europe. *International Journal of Constitutional Law*, Volume 5, Issue 1, January 2007, Pages 69–92, <https://doi.org/10.1093/icon/mol041>.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000